Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 247 (6884).

21 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА,

1978 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, маҳсулот реализация қилиш ҳамда кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан беш йиллик учмичи йили планини барвақт — 20 декабрда адо этдилар. 4980 дан ортиқ цех, участка, смена, бригада коллективлари беш йилликнинг уч йили топшириқларини бажарди бўлди. Республика пойтахти ишчиларидан 1700 дан ортиқ киши шахсий беш йиллик топшириқларини бажарди.

●

Олмалиқ мебель фабрикасининг бош ишлаб чиқариш корпуси қурилиб бўлди. Корхона коллективи монтаж ишларини олиб борган «Узбекшахтострой» бинокорлари билан биргаликда технологик машина-ускуналарни комплекс равишда синаб кўрди. Янги қувватлар ўзлаштирилиши билан Олмалиқ мебель фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш 5 миллион сўмлик кўпаяди.

●

Республика мебель саноати корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш йиллик планини барвақт, 19 декабрда бажардилар. Мебелчилар йил охиригача планга қўшимча равишда 3,5 миллион сўмлик маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар.

[ЎзТАГ].



Тошкент, 20 декабрь. Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг мажлислар залида. В. Молгачёв фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

20 декабрь куни Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси очилди.

Олий Советнинг мажлиси эрталаб соат 10 да бошланди.

Ҳукумат ложаларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар **И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ўтиришди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар Ҳ. Носиров, А. С. Абдалин, К. Ерматов хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Қуйидаги кун тартиби якдиллик билан тасдиқланади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисида;

2. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида;

3. Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида;

4. Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария ҳолати ва ободончилигини янада яхшилаш юзасидан халқ депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида;

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида;

6. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида;

7. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан депутат **Ш. Р. Рашидов** сўз олди. У Н. М. Матчонов бетобликги сабабли ўзини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раислиги вазифасидан озод этишни илтимос қилиб ариза берганлигини айтди.

Олий Совет Н. М. Матчоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутат **Ш. Р. Рашидов** ҳозирги вақтда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган депутат И. Б. Усмонхўжаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

Олий Совет депутат **И. Б. Усмонхўжаевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади.

Депутат **Г. М. Орловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Депутат П. Ю. Юсупов республикадан бошқа жойга ўқишга кетганлиги муносабати билан Олий Совет уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Депутатлардан **Т. А. Алимов** ва **Ш. К. Хайруллаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайландилар.

«Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси **Қ. А. Аҳмедов** доклад қилди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан «Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» республика молия министри депутат **В. Муродхўжаев** доклад қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини изчиллик билан бажара бориб, бу йилнинг мислсиз қийин об-ҳаво шароитларида катта меҳнат зафарига эришдилар — пахта тайёрлашнинг умумий ҳажмини ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик бошқа маҳсулотларини давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини адо этдилар.

Давлатга 5 миллион 510 минг тонна пахта сотилди. Унинг 80 процентга яқини биринчи сортларга топширилди. Биринчи марта 295 минг тонна қимматбаҳо ипак пахта тайёрланди. Умуман беш йилликнинг уч йили мобайнида пахта тайёрлаш плани 102,4 процент бажарилди, плиндан ташқари 400 минг тоннага яқин пахта топширилди.

Пахтакорларнинг меҳнатдаги ғалабаси зўр ғайрат билан олиб борилган қийин курашда қўлга киритилди. Бутун йил давомида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари табиатнинг мисли кўрилмаган офатларига дуч келди. Чигит мураккаб об-ҳаво шароитларида экилди. Чигит экиш даврида уч карра ортиқ, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида эса ярим йиллик нормага тенг ёғингарчилик бўлди. Жала, дўл ёғиши ва сел келиши оқибатида майдонларнинг 70 процентидаги ёки 1,2 миллион гектардан ортиқ ердаги ғўза жуда қаттиқ шикастланди. 900 минг гектардан ортиқ ердаги чигит қайта экилди. Катта-катта майдонларда чигит 2—3 марта ва ундан ҳам кўп марталаб қайта экилди. Май ва ҳатто июнь ойида ҳам қайта экиш ўтказилди.

Аввалги йилларда ҳам мураккаб об-ҳаво шароитлари, табиий офатлар рўй берган эди. Аммо республика пахтакорлари 1978 йилдагидек қийинчиликларни ҳали кўрмаган эдилар.

Деҳқонлар, механизаторларнинг қаҳрамонона меҳнати ва юксак маҳорати туфайли, КПСС Марказий Комитети, Иттифоқ ҳукуматининг доимий ёрдами ва мадади, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика эҳтиёжларига диққат-эътиборн туфайлигина табиатнинг ҳамма нижиқликларини бартараф этиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди. Республикада ўрта ҳисобда пахта ҳосилдорлиги бу йил гектар бошига 30,2 центнерни ташкил этди. Андижон ва Наманган областларининг колхоз ва совхозлари гектар бошига 33,8, Бухоро области 33,6, Хоразм области 33,4 центнер ҳосил кўтарди. 29 та район гектар бошига 35—40 центнер, Пахтачи ва Пешку районлари эса 40 центнердан ошириб пахта олдилар. Кўпгина илғор хўжаликлар, юзлаб бригадалар ҳосилдорликни 50 центнерга етказдилар ва ундан ҳам ошдирдилар.

Пахта кеч очилишига қарамай, ҳосилнинг қарийб 90 процента 1 ноябргача тайёрланди, аммо тинимсиз жала, тез-тез қор ёғиб туриши ҳосил теримини ва пахта териш техникасининг ишини қийинлаштирди. Етиштирилган жами ҳосилни териб олиш жангининг якунловчи босқичи бениҳоя машаққатли бўлди. Меҳнатга лаёқатли жами аҳоли пахта теримига сафарбар этилди, шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар пахтакорларга ёрдам беришди. Одамлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида пахта териб, оммавий қаҳрамонлик намуналарини намойиш этдилар, жасорат кўрсатдилар.

Социалистик мажбуриятларини бажарган ва давлатга рекордли 1977 йилдагидан кўпроқ пахта сотган Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозлари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент областларининг хўжаликлари ҳам социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари беш йилликнинг учинчи йили катта пахта хирмони учун ўтказилган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар. Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга 618 минг тонна, Фарғона области 596, Бухоро области 559, Самарқанд области 540, Қашқадарё области 508, Сурхондарё области 483, Наманган области 453, Тошкент области 431, Хоразм области 353, Сирдарё области 353, Жиззах области 322 ва Қорақалпоғистон АССР 283 минг тонна пахта сотдилар.

Механизаторлар қатъият ва ғалабага чексиз ирода намуналарини кўрсатдилар. Улар пахта етиштиришнинг ҳамма босқичларида жуда катта меҳнат сарфлаш билангина чекланмасдан, ҳаддан ташқари оғир шароитларда ҳосилнинг асосий қисмини териб бердилар. Биринчи марта машинада 3 миллион 413 минг тонна, яъни тайёрланган пахтанинг 62 процента терилди.

32 мингта пахта териш машинаси ҳосил теримида ишлаб турди. Иш ипатоволиклар методи асосида ташкил этилди. Замонавий хилма-хил пахта териш техникаси, транспорт тракторлари ва пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар билан таъминланган 2800 та терим-транспорт отряди тузилди. Тошкент ва Жиззах областларида ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машинада терилди. Илғор колхоз ва совхозлар, бутун-бутун районлар, жумладан: Задарё, Оқолтин, Коммунистик, Ғалаба, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Комсомолобод, Бўз, Дўстлик, Учқўрғон, Тахтакўпир районлари машинада терилган ҳосил салмоғини 85-90 процентга етказдилар ва ундан ҳам ошириб юбордилар. Минглаб механизаторлар терим техникасидан серунум фойдаланиш учун курашиб, мавсум давомида машинада 250-300 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарлари, партия, совет ва комсомол активлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил юксалтириш тўғрисидаги доимий эътибор ва ғамхўрлик учун, пахтакорларнинг оғир меҳнатига юксак баҳо бераётганликлари учун партия билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор этадилар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида ўртага қўйилган вазифани бажариб, партия ташкилотлари раҳбарлигида бундан буён ҳам кучғайратни аямай, янги пахта ҳосилини кўпайтирадилар, унинг сифатини оширадилар, ипак пахта етиштиришни кўпайтирадилар, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантирадилар.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришилди. Ялпи дон ҳосили бу йил биринчи марта 2,5 миллион тоннадан, шу жумладан маккажўхори дони бир миллион тоннадан ва шоли ҳосили 413 минг тоннадан ошди. Умуман республикада маккажўхори донининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 69, шоли 46,1 центнерни ташкил этди, суғориладиган ерларда гектарига 35-40 центнер бугдой ва арпа ҳосили олинди. Давлатга бир миллион тонна дон сотилди. Бу — жами тайёрлаш ҳажмидан 1,5 баравар кўпдир.

(Давоми иккинчи бетда).

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

Колхозчилар ва совхозларнингишчиларига, қишлоқ хўжалиги механизаторларига, саноат корхоналари, заводлар, фабрикалар, қурилишлар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига, студентлар ва ўқувчиларга—1978 йил ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашган шаҳарлар ва район марказларининг барча меҳнаткашларига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳосил йиғим-теримидаги қаҳрамонона ва фидокорона меҳнатингиз учун сизларга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қиладилар. Сизларнинг бу меҳнатингиз катта ғалаба билан якунланди. Барча қийинчиликларга қарамай, республиканинг улкан пахта хирмони учун олиб борилган жангда ютиб чиқилди. Ўзбекистоннинг 5 миллион 510 минг тоннадан зиёд «оқ олтин»и Ватан омборларида пухта асралмоқда, ана шу пахтанинг 3 миллион 413 минг тоннаси ёки 62 процента машиналарда териб олинди.

Республикада биринчи марта 295 минг тонна қимматли ингичка толали нав пахта тайёрланди.

Бу йил дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева узумдан мўл ҳосил етиштирилиб, йиғиб-терб олинди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Қишлоқ хўжалигимиз бутун йил давомида мислсиз об-ҳаво машаққатларига дуч келди, лекин у йиғим-теримнинг тугалловчи босқичида айниқса шафқатсиз синовга учради. 1 ноябрга келиб, пахтанинг деярли 90 процента териб олинган бир пайтда совуқ об-ҳаво, узоққа чўзилган ёмғир, қор, терим техникасини тўхтатиб қўйди. Ҳаддан ташқари мураккаб, оғир вазият вужудга келди. Не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосил тақдири хавф остида қолди. Ана шундай шароитларда ҳосилни қутқариб қолиш учун жасорат кўрсатмоқ зарур эди. Халқ ана шундай жасоратни кўрсатди ҳам!

Айни шу ноябрь олди кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикасининг барча меҳнаткашларига: «Ҳосил чорламоқда: ҳамма пахта теримига!» деган даъват билан мурожаат қилдилар.

Мурожаатга жавобан ёшу қари, бутун республика отланди. Шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, ўқувчи ёшлар, олий ўқув юртларининг, ўрта махсус билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг студентлари вужудга келган хавф-хатарни чуқур англаган ҳолда, бир жон, бир тан бўлиб далаларда қолган пахта учун ўзларининг жонажон ишлари каби курашдилар. Курашганда ҳам об-ҳаво қийинчиликлари ва маиший қийинчиликларни мардонавор енгиб, қаҳрамонларча, фидокорона курашдилар. Партиявий сабот-матонат, ғоят юксак уюшқоқлик, масъулиятни ва юксак гражданлик бурчни астойдил ҳис этиш ҳамма жойда намоён бўлди. Ҳосил учун ҳар қандай об-ҳаво шароитида то ғалаба қозонилгунча курашдилар.

Ўзбекистоннинг 5 миллион 510 минг тонна пахтаси меҳрибонлик билан ғарамлар қўйилган, мислсиз машаққатлар ва ташвишлар, бедор ўтган тунлар ортда қолган ҳозирги кунда республика меҳнаткашларининг ватанпарварлик ва интернационал жасорати алоҳида куч билан намоён бўлади.

Йиғим-теримнинг якунловчи босқичидаги жангда Ўроқ ва Болға бузилмас иттифоқи, халқимизнинг бирлиги ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Натижада шундай марралар қўлга киритилдики, бу марралар халқ фаровонлиги бундан буён ҳам муттасил ўсиши, Ватанимиз бадавлат ва тобора қудратлироқ бўлиб бориши учун янги чўққиларга ҳужум қилишда кучга-куч қўшади, илҳом бахш этади.

Ажойиб пахтакорларимиз, механизаторларимиз, мутахассисларимиз, ишчилар синфимизга, шаҳарликларга, студентлар ва ўқувчиларга, улкан пахта учун буюк жангда қатнашган кишиларнинг ҳаммасига шон-шарафлар бўлсин!

Азиз ўртоқлар, жасоратингиз ва қаҳрамонлигингиз учун сизларга раҳмат, катта раҳмат!

Йиғим-теримда қатнашган кишиларнинг ҳаммасига қизғин миннатдорчилик ва сидқидилдан ташаккур сўзларини изҳор этар эканмиз, уларга сиҳат-саломатлик, шахсий зўр бахт-саодат, меҳнат ва ўқишда, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Иноможон Бузрукович **Усмонхўжаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. ОРЛОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил, 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Г. М. ОРЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Георгий Михайлович **Орлов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1978 йил, 20 декабрь.
Тошкент шаҳри.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА ВАКИЛЛАР

19 декабрь куни мамлакатда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакиллар кўрсатиш тамом бўлди.

«Нефть тошлари» денгиз пармалаш ишлари бошқармасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. С. Хусейнов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Оренбург область Первомайский районидаги Степан Разин номли колхоз механизатори, партиясиз Н. Ф. Рютин, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Епишев, «Киргизавтомаш» заводининг асбобсоз слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Алимбеков, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси З. М. Круглова, Иркутск областининг Усть-Кут районидаги 288-қурилиш-монтаж поезди кран машинисти, партиясиз А. Н. Загородний, Минск область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Микулич, Қозоғистон ССР, Кўкчатов область Рўзаев районидаги «Валихановский» совхози директори К. Н. Нўъмонов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов, «Эстония» давлат академик опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти, партиясиз Т. А. Телпни, Арманистон касаба союзлари республика Советининг раиси Л. Г. Саакян, Маҳачқалъадаги Ғажиев номли машинасозлик заводининг слесари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Я. М. Сулейманов лар СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига вакил этиб кўрсатишга қарор қилинди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси Қ. А. АҲМЕДОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқтоқлар! Ҳозирги сессиямиз КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети ўнинчи сессиясининг қарорлари туфайли бутун халқимизнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқида барча меҳнат коллективлари, хўжаликни бошқаришнинг барча бўғинлари учун конкрет ҳаракат программаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат планининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумида маъқулланган лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга тақдим этади. Бу план лойиҳаси беш йиллик план топшириқлари, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларига мувофиқ тайёрланди.

Келгуси йил планининг асосий топшириқлари ҳақида гапиришдан олдин 1978 йилда ва ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим якунларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ёрдами, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий Комитет бюросининг, партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг кенг кўламда олиб борган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, социалистик мусобақани кенг авж олдириш натижасида ишчилар синфи, колхозчилар ва зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1977 йилдагига нисбатан 810 миллион сўм, ёки планда белгиланган 4,5 процент ўрнига 5,9 процент кўпайди, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 5,8 процент, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш эса («Б» группаси) 6,2 процент ўсади. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсиши ўнинчи беш йилликда республика экономикасини ривожлантиришнинг социал-иқтисодий вазифаларига тамомила мос бўлиб тушади. Қора ва рангли металлургия, химия, машинасозлик, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати каби муҳим тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланди.

КПСС XXV съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ, саноат маҳсулотининг сифатини яхшилаш соҳасида кўп иш қилинди. Ҳозирги вақтда буюмларнинг 1690 дан кўпроқ тури давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда, олий сифатли маҳсулотнинг ҳиссаси бир йил ичида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 1,3 баравар кўпайди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасида катта силжишларга эришилди. Бир йил ичида фан-техника тараққиёти соҳасида давлат планида кўзда тутилган 350 га яқин тадбир амалга оширилди, буюмларнинг 200 дан зиёд янги турлари ишлаб чиқарила бошланди. Республика саноатида меҳнат унумдорлиги 3 процент ортди. Машинасозлик, қора ва рангли металлургия, химия ва газ саноатида ва бошқа бир қанча тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш анча яхшиланди.

Қишлоқ меҳнаткашлари жуда ноқулай келган об-ҳаво шароитлари оқибатларини енгиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни таъминладилар. Пахтакорлар жуда мураккаб вазиятда давлат планини ошириб бажардилар. 5 миллион 510 минг тоннадан зиёд пахта, шу жумладан 293 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Колхозчилар ва совхоз ходимларининг қаҳрамонона меҳнати, шаҳар меҳнаткашларининг қишлоққа ёрдами, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жойлардаги партия ташкилотлари ва халқ депутатлари Советлари зўр ғайрат билан олиб борган ташкилий ва сиёсий ишлар натижасида шундай катта муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон ғаллакорлари беш йилликнинг учинчи йилида донли экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар ва 2,5 миллион тонна донни, шу жумладан 1,5 миллион тоннага яқин маккажўхори ва шолини йиғиштириб олдилар. Республикада биринчи марта шундай кўп ҳосил олинди. Давлатга 1 миллион тонна дон топширилди. Бу — дон харид қилишнинг шу йил учун белгиланган умумий миқдоридан 1,5 баравар ортиқдир. Қорақалпоғистон АССР давлатга 203 минг тонна, Қашқадарё области 151 минг, Жиззах области 143 минг, Тошкент области 111 минг тонна дон сотиб, бу ишга жуда катта ҳисса қўшдилар.

Пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум, картошка, гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш йиллик планлари, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Умумиттифоқ фондига етказиб бериш планлари анча ошириб бажарилди. Мамлакатнинг йирик саноат марказларига 900 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева ва узум етказиб берилди.

1978 йилда капитал қурилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига сарфланган капитал маблағ 4,8 миллиард сўмдан ошиб кетади, ёки 1977 йилдагига нисбатан 80 миллион сўм кўпаяди. 4,8 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бу — 1977 йил кўрсаткичларидан 6,7 процент кўпдир.

Транспортнинг ҳамма турларида юк ва йўловчилар ташиш, алоқа маҳсулотларининг ҳажми юзасидан беш йилликнинг учинчи йили план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилмоқда. Чакана товар обороти плани ошириб бажарилди. Чакана товар оборотининг ҳажми бир йил ичида 6,1 процент кўпайди.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами 5,4 миллион квадрат метр уй-жой, 112 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 34 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 4,9 минг ўринли касалхоналар, маданий ва маиший хизмат кўрсатувчи кўпгина объектлар фойдаланиш учун топширилмоқда.

Умуман шу йилдаги иш якунларини ҳисобга олганда, халқ хўжалигининг барча тармоқларида беш йиллик план уч йилининг топшириқларини тўла ва ошириб бажариш таъминланади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда уч йил ичида ялпи ижтимоий маҳсулот беш йилликка мўлжалланган 14,5 процент ўрнига 16,7 процент, миллий даромад эса 15,1 процент ўрнига 18,6 процент кўпайди.

Саноат маҳсулоти ҳажми мўлжалланган 15,4 процент ўрнига 17,2 процент ортади ва тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилининг ана шундай кўрсаткичларидан 12 миллиард сўм кўпаяди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ҳисобда аввалги беш йилликнинг шу давридагига нисбатан 22,4 процент ўрнига 25,4 процент ошади. Етиштирилган пахтанинг ўртача йиллик миқдори беш йиллик топшириқларига нисбатан 143 минг тонна, дон 254 минг, сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти 88 минг, мева ва узум 38 минг тонна кўпайди.

Республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 14 миллиард сўмдан кўпроқ ёки тўққизинчи беш йилликнинг шу давридагига нисбатан 36 процент кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Республиканинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 8 миллиард сўм миқдорида ортди ва ҳозирги пайтда 33 милиард сўмдан ҳам ошиб кетди.

Беш йилликнинг ўтган даврида 60 дан зиёд йирик саноат корхонаси қурилди. Сирдарё ГРЭСидаги энергоблоклар, трактор ва пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган қувватлар, Қувасойдаги чинни идишлар заводи, Янги Тошкент консерва заводи, бир қанча сут заводлари, Тошкент метрополитенининг биринчи участкаси ва бошқа объектлар муддатидан илгари ишга туширилди. Навоий цемент заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати, Навоий электрохимия заводи, Самарқанд суперфосфат, Олмалиқ химия заводларида йирик қувватлар, Хива гилам комбинати, Урганч ёғ-экстракция заводи, Тошкентда ошхона жиҳозларини тайёрловчи завод ва бошқа корхоналар ишга туширилди.

Уч йил мобайнида суғориладиган ер майдони 300 минг гектар кўпайди. Янги паррандачилик фабрикалари ва чорвачилик комплекслари ишга туширилди.

Ўнинчи беш йилликнинг социал программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Уч йил ичида аҳолининг пул даромадлари 21,5 процент кўпайди ва 1978 йилда 11,6 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетди. Ижтимоий истеъмол фондлари 772 миллион сўм миқдорида ортиб, 4,4 миллиард сўмга етди. Республика меҳнаткашлари беш йиллик бошидан буён умумий саҳни 16 миллион квадрат метр бўлган уй-жой, кўпгина мактаб, болалар боғчалари ва яслиларга, касалхоналар ва социал маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бошқа объектларга эга бўлдилар.

Шу билан бирга эришилган натижалар ҳозирги босқичда партиянинг талабларига, самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун мавжуд бўлган имкониятларга ҳали тўлиқ жавоб бермайди. 1978 йилнинг 11 ойи мобайнида 78 саноат корхонаси ишлаб чиқариш программасини бажармади ва 64 миллион сўмлик маҳсулот беролмай қолди.

Айрим саноат корхоналарида ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш ишлари суст олиб борилмоқда. Бунинг натижасида халқ хўжалиги вужудга келтирилган потенциал имконият яратиб берганидан ҳам камроқ маҳсулот олмоқда. Масалан, Химия саноати министрлигининг азотли ўғит ишлаб чиқариладиган корхоналари қувватларидан 80 процент миқдорида, Ўзбекистон металлургия комбинатида сирланган идишлар ишлаб чиқариш қувватидан 75 процент, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида калава ип ва газлама ишлаб чиқариш қувватларидан 70-73 процент миқдорида, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари министрлигига қарашли деворбоп материаллар ишлаб чиқариш қувватларидан 82 процент, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида минерал сув, алкоголсиз ичимлик ва пиво ишлаб чиқариш қувватларидан 43-74 процент миқдорида фойдаланилмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини тезлатиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. 245 корхона ана шу кўрсаткич бўйича 11 ойлик планни бажармади. Озиқ-овқат саноати министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва Енгил саноат министрлиги системасида орқада қолаётган корхоналар кўп. Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё, ва Жиззах областларидаги саноат корхоналари меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини ўтган йилдагига нисбатан пасайтириб юбордилар.

Айрим участкаларда, хусусан ёрдамчи ишларда ишчиларнинг анчагина қисми ҳали ҳам кам унумли қўл меҳнати билан банд. Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хилларини кўпайтиришга суст эътибор берилмоқда ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилмаяпти.

Баъзи министрликлар ва идораларнинг иш практикасида илгари тасдиқланган планларни ҳеч асос бўлмагани ҳолда ўзгартириш каби ҳоллар ҳали ҳам учраб туради. Шу билан бирга камайтирилган планлар кўпинча илгари белгиланган кўрсаткичлардан ошириб бажарилади.

Қишлоқ хўжалигида катта ютуқларга эришилганига қарамай, муайян камчиликлар ҳам бор. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамма турлари бўйича тайёрлаш планлари умуман ошириб бажарилгани ҳолда бир қанча хўжаликлар гўшт, сут ва тухум сотишда йил сайин давлатга қарздор бўлиб қолмоқдалар.

Бир неча йилдан буён сигирларни кўпайтириш плани бажарилмай қолмоқда. Бунинг натижасида подалар структурасида уларнинг салмоғи Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областларида энг мақбул бўлган 34—36 процент ўрнига атиги 22—24 процентни ташкил қилади.

Қорақалпоғистон АССРда, Тошкент, Наманган ва Андижон областларида қўйчилик соҳасида ҳам шундай аҳвол вужудга келди. Бундай нуқсонлар умуман қўйлар сонини кўпайтиришга ҳалақит беради.

«Главсредазирсовхозстрой», Сув хўжалиги министрлиги ва Қишлоқ хўжалиги министрлиги суғориладиган янги ерларни ишга тушириш ва комплекс ўзлаштириш ишларининг орқада қолишига йўл қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг капитал қурилиш масалаларига доим эътибор бериб келаётганликлари натижасида ана шу муҳим соҳадаги ишларни анча йўлга қўйиш таъминланди. Аммо бу соҳада ҳам ҳали жиддий камчиликлар бор. Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан берилган топшириқлар қониқарсиз бажарилмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида асосий фондларни ишга тушириш плани йиллик планларнинг атиги 91 проценти миқдорида бажарилиши кутилади.

Бу йил мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналарни ва ишлаб чиқариш билан боғланмаган соҳалардаги бошқа объектларнинг кечикиб ишга туширилишига йўл қўйилди. Сирдарё, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё областлари уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планини бажаришда анча орқада қолмоқдалар. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро ва Самарқанд областларидаги шаҳарларда уй-жой кооператив қурилиши суст олиб борилмоқда.

Транспорт ва алоқа, савдо ва маиший хизмат корхоналарининг ишида ҳам айрим камчиликлар ва фойдаланилмаётган талайгина резервлар бор.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани лойиҳаси КПСС XXV съездининг халқ хўжалиги моддий-техника базасини доим ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш хусусидаги қарорларини бундан буён ҳам изчиллик билан амалга оширишни кўзда тутади.

План кўрсаткичлари экономикани ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аввало меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга, саноат ишлаб чиқаришини ва биринчи навбатда фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларни жадал ривожлантириш асосида тармоқлараро пропорцияларни такомиллаштиришга қаратилган.

План лойиҳасига мувофиқ, республика экономикасининг умуман ўсиши беш йиллик планда 1976—1979 йилларга мўлжалланган суръатлардан ўзиб кетишни таъминлайди.

План лойиҳаси 1979 йилда республика аҳолисининг сони 15 миллион 520 минг кишига етажагини, бир йилда 3 процент ортажагини эътиборга олади.

Ялпи ижтимоий маҳсулотни 5 процент, миллий даромадни эса 4,9 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Саноат маҳсулотининг ҳажми 6,5 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 5,8 процент ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш («Б» группаси) 8,7 процент ортади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 4,6 процент кўпаяди.

(Доклад қисқартириб эълон қилинмоқда).

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

(Боши биринчи бетда).

Тайёрлашнинг жами ҳажмига нисбатан топширилди (процент ҳисобида):

	1978 йил	беш йилликнинг уч йили
Дон — жами	145,7	142,8
Шу жумладан:		
шоли	121,9	126,9
маккажўхори	103,1	161,5

Колхоз ва совхозлар келгуси йил ҳосили учун ўзларини уруғликлар билан тўла-тўкис таъминлаб олдилар, ем фондларини тўлдирдилар, донли экинларни кузда экишни муваффақиятли тугалладилар.

Бу йил сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Шу маҳсулотларни давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 2 миллион 741 минг тонна мева-сабзавот, яъни планда белгиланганидан 558 минг тонна зиёд ва бултургидан 235 минг тонна кўп маҳсулот топширилди. Умумиттифоқ фондига 860 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 220 минг тонна ёки 34 процент кўп маҳсулот етказиб берилди.

Тайёрлашнинг жами ҳажмига нисбатан топширилди (процент ҳисобида):

	1978 йил	беш йилликнинг уч йили
Сабзавот	126,5	125,0
Картошка	113,6	111,7
Полиз маҳсулотлари	121,9	123,1
Мева ва резавор	141,6	148,6
Узум	122,4	114,5

Республика пиллакорлари йилни яхши якунладилар. Давлатга 29 минг тоннага яқин пилла топширилиб, план 119 процент бажарилди. Шунча миқдордаги бу қимматли хом ашё биринчи марта тайёрланди. Уч йил давомида мамлакат пландан ташқари 11,9 минг тонна пилла олди.

Чорвачиликни ривожлантириш суръатлари кучайтирилмоқда. Ўтган йилдагига нисбатан чорва туёғи ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, гўштбоп чорва молларини боқиб семиртириш яхшиланди. Давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш юзасидан 1978 йил учун белгиланган топшириқлар қўшимча топшириқ билан бирга муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Тайёрлашнинг жами ҳажмига нисбатан топширилди (процент ҳисобида):

	1978 йил	беш йилликнинг уч йили
Чорва ва парранда	104,3	106,5
Сут	108,9	110,5
Тухум	100,0	106,9
Жун	102,1	100,9
Пилла	119,2	116,7

Маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш мақсадида чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил 6,2 миллион тоннадан зиёд ёки планга нисбатан 139 процент миқдорида хашак, шу жумладан 1,7 миллион тонна ёки 114 процент пичан, 2,6 миллион тонна ёки 144 процент сенаж тайёрланди, 4 миллион тонна ёки планга нисбатан 106 процент миқдорида силос бостирилди.

Пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда эришилган муваффақиятлар колхозчилар ва совхоз ходимларининг фидокорона меҳнати, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг юксак ижодий активлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг колхоз ва совхозларда ўтказган зўр ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир. Қишлоқ партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш вақтида мураккаб оби-ҳаво шароитида омманн етиштирилган жамй ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар қила билиш маҳоратини кўрсатдилар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар.

Қишлоқ хўжалигини техника, ўғит, бошқа моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаб турган саноат ходимлари, граждан авиацияси учувчилари, тайёрлов ва автотранспорт ташкилотларининг ходимлари ишнинг муваффақиятига катта ҳисса қўшдилар.

Мўл пахта ҳосили етиштиришда қардош республикалар — Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари билан анъанавий социалистик мусобақа муҳим роль ўйнамоқда. Тажрибани ўртоқлашиш, ўзаро текширишлар резервларини аниқлашга, улардан тўлароқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Республикада партия аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажаришни ташкил этиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилаётган ишлар туфайли пахта етиштириш топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига, қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга эришилмоқда. Ерларни ирригациялаш ва мелиорациялаш, химиялаш ва комплекс механизациялашни ҳар томонлама ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш ва концентрациялаш тадбирларининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун қўшимча имкониятлар очмоқда.

КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан Леонид Ильич Брежнев, рус халқи ва мамлакатнинг барча қардош халқлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганликлари, пахтачиликни, дон хўжалигини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа барча тармоқларини юксалтиришда ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари уларга сидқидилдан ташаккур изҳор этадилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партия билан ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан фидокорона меҳнат қиладилар. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида, юқори сифатли бажариш, чорва қишловини намунали ўтказиш учун, меҳнатда янги-янги ғалабалар қучиб, Ватанни қувонтириш учун мусобақа кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

(Боши биринчи бетда).

Танаффусдан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг қўшимча доклади тингланди. Олий Совет План-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари депутат **Ш. Ёқубов** шу ҳақда доклад қилди.

Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар юзасидан бўлган музокараларда депутатлардан **В. О. Козимов** (32-Қорақамиш сайлов округи), **С. Жабборов** (167-Сармижон сайлов округи), **Т. А. Алимов** (56-Металлургия сайлов округи), **О. Ҳамроева** (209-Ғузор сайлов округи), **А. П. Шендрик** (177-Навоий сайлов округи), **П. Ж. Хуббиева** (429-Охунбобоев сайлов округи), **А. Я. Степин** (364-Ховос сайлов округи), **С. Ҳамроқулов** (318-Даштакиболо сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Соат 15 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг кечки мажлиси бошланди.

Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутатлар **Е. А. Клеменов** (200-Зомин сайлов округи), **М. Бобохонов** (249-Сайрам сайлов округи), **О. Қурбонниёзов** (453-Қўнғирот сайлов округи), **В. К. Михайлов** (344-Жданов сайлов округи), **Т. Н. Заречнева** (370-Фрунзе сайлов округи) қатнашдилар.

Мажлисда кун тартибининг иккинчи ва учинчи масалалари юзасидан докладчилар **Қ. А. Аҳмедов** билан **В. Муродхўжаев** якунловчи нутқ сўзладилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани тўғрисидаги, Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети ҳақидаги Қонунларни ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ва республиканинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарорларни бир овоздан қабул қилдилар.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан «Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария ҳолати ва ободончилигини янада яхшилаш юзасидан халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Т. Н. Осетров** доклад қилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан музокараларда депутатлар **И. Ашуров**, (284-Оқдарё сайлов округи), **Д. Юсупов** (307-Пастдарғом сайлов округи), **К. С. Зоиров** (404-Куйбишев сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг санитария ҳолати ва ободончилигини янада яхшилаш юзасидан халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

КПССнинг ленинча аграр сиёсати

«КПССнинг ленинча аграр сиёсати» номли тўплам нашр этилди. Тўпламга 1965 йил март ойидан бошлаб 1978 йил июль ойигача КПССнинг аграр сиёсатига доир энг муҳим ҳужжатлар, чунончи: партия съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети қарорлари, қонуний актлар, СССР ҳукуматининг қарорлари киритилган.

Тўплам материаллари ҳозирги босқичда партия аграр сиёсати, унинг амалга оширилиши тўғрисида ҳар тарафлама тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини очиб беради. Бир қанча қарорлар биринчи марта эълон қилинган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

БЕКОБОДНИНГ ЭЛЕКТР ПУЛАТИ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ишга туширилган электр ёрдамида пўлат эритиш иккинчи печи биринчи марта пўлат эритди. Янги қурилманинг унумдорлиги — йилига 250 минг тонна пўлат ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Энди корхонада жами йилига ярим миллион тонна металл ишлаб чиқара оладиган иккита печь ишлаб турибди. Декабрь охиригача қурувчилар ва монтажчилар коллективлари учинчи печни ишга тушириш, шунингдек узлуксиз заготовка қуйдиган машинани ишга туширишни мўлжалламоқдалар.

Яқин йилларда Бекободдаги электр ёрдамида пўлат эритиш комплексининг йиллик унумдорлигини 1,25 миллион тоннага етказиш белгиланган. Бу ерда эритиш ва қуйиш агрегатларидан ташқари, бешта электр печининг жами маҳсулотини ёйиб берадиган прокат станлари ҳам ишлайдиган бўлади.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ ВИДОЛАШУВ

Мудофаа саноатининг йирик ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг ва СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР мудофаа саноати министри Сергей Алексеевич Зверев билан Москва 20 декабрь куни сўнгги бор видолашди.

М. В. Фрунзе номли Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқ орденли зали мотам либосида. Гуллар билан ўралган супачага марҳум жасади солинган тобут қўйилган. Қизил бахмал ёстиқчада Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг Олтин Юлдузи, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ фарзанди С. А. Зверев хизматлари тақдирланиб берилган бошқа мукофотлар турибди. Сергей Алексеевич Зверев бутун умрини Ватанга хизмат қилишга бағишлаб, ўзининг тинимсиз ижодий иши билан мудофаа саноатини ривожлантиришга, замонавий қурол-яроғларнинг, ҳарбий техниканинг янги намуналарини яратиш ҳамда Ватанимиз Қуролли Кучларини шу қуроллар билан таъминлаш соҳасидаги мураккаб илмий-техникавий проблемаларни ҳал этишга катта ҳисса қўшди.

Залда гулчамбарлар жуда кўп. Улардан бирининг лентасига: «Сергей Алексеевич Зверевга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан» деган сўзлар ёзилган.

Ҳар уч минут сайин Фахрий қоровул алмашиниб турибди. Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Н. А. Тихонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, М. С. Горбачёв ўртоқлар мотам вахтасида турадилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, олимлар, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари ҳам Фахрий қоровулда турадилар.

С. А. Зверев дафн этилган Новодевичье қабристонида мотам митинги бўлди. Митингда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, бир қанча министрликларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш коллективлари ва илмий коллективларнинг вакиллари гапирдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

Республика территориясида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 4 миллиард 970 миллион сўмлик капитал маблағ сарфлаш мўлжалланади ёки 1978 йилдагига нисбатан 2,5 процент ортиқ бўлиб, халқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни ва фан-техникани тез тараққий эттиришни таъминлайди.

Планда фан ва техникани ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ўстириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, меҳнат ва моддий-техника ресурсларини тежаш юзасидан жуда катта топшириқлар берилган.

План лойиҳасида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида аъло сифатли буюмлар салмоғини 1,7 баравар ўстириш кўзда тутилади. 1979 йилда саноат буюмларининг 350 дан кўпроқ тури давлат Сифат белгисини олиш учун тайёрланади ва тақдим этилади.

Аввалги йиллардагидек ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасини белгилаб берадиган тармоқлар — қора металлургия, машинасозлик ва металл ишлаш, химия ва нефть химияси, шунингдек ўрмон ва ёғочсозлик саноати, озиқ-овқат саноати ва енгил саноатни тез суръатлар билан ривожлантириш планлаштирилган.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг ёқилғи-электр энергиясига бўлган ҳамда ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида **ёқилғи-энергетика комплекси** тармоқларини янада ривожлантириш кўзда тутилади. **Электр энергия** ишлаб чиқариш 35 миллиард киловатт-соат миқдорида планлаштирилади. Бу эса 1978 йилдаги даражадан анча кўпдир. Киловатт энергия берадиган янги қувватлар ишга туширилади. Сирдарё ГРЭСида тўққизинчи энергоблоки, шунингдек янги Ангрен ГРЭСини ва Ғазалкент ГЭСини қуриш давом эттирилади. Электр энергияси етказиб бериладиган линиялар ва трансформатор подстанцияларини тармоқларини янада кенгайтириш кўзда тутилади.

Қўмир қазиб чиқариш кўпайтирилади. Йилига 10 миллион тонна қўмир берадиган Ангрен қўмир разрезини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади.

Табиий газ чиқариш 1978 йилдаги кўрсаткичлардан 1,3 миллиард кубометр ортади. Муборакдаги газни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбатини ишга тушириш, Шўртон-Сирдарё ГРЭСи газ қувурини қуриш планлаштирилди.

Нефть қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш миқёслари кенгайтирилади.

1979 йилда **қора металлургияни** юксалтириш суръатлари 19 процент миқдорида белгиланган. Бу эса Ўзбекистон металлургия комбинатида жами 750 минг тонна металлни электр ёрдамида эритиб берадиган учта печни ишга тушириш билан, шунингдек ишлаб турган қувватлардан ва аввало сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш йўли билан таъминланади.

Рангли металлургияда қатиқ қуйилмалар, икkиламчи алюминий, молибден прокати ишлаб чиқариш орта боради. Маржонбулоқ олтин руда комбинатини ишга тушириш, Олмалиқ руҳ заводининг учинчи навбати қурилишини давом эттириш ва Жиззах областида Учқулоч конини қура бошлаш кўзда тутилган.

Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 20,1 процент ошириладо. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 7 миллион 174 минг тоннага етказилади. Бу —1978 йилда бажарилиши кутилган миқдордан 1 миллион тоннадан ҳам ортиқдир. Химиявий тола, олтингугурт кислотаси, дефолиантлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

«Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ва аммоний сульфати, Олмалиқ ва Самарқанд заводларида минерал ўғитлар, Фарғонадаги азотли ўғит заводида дефолиант ва триацетатцеллюлоза ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади. Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, шунингдек Жиззахда пластмасса заводи барпо этиш давом эттирилади.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлашда ўсиш 8,3 процент, шу жумладан машинасозликда 9,9 процентни ташкил этади. Трактор ишлаб чиқариш 4 процент, пахта териш машиналари 5,5 процент, куч трансформаторлари ишлаб чиқариш 7,9 процент, тўқимачилик саноати учун керакли машина-ускуналар 9,1 процент, пахта тозалаш саноатига керакли машина-ускуналар 15,4 процент ортади.

Умуман бир қанча машинасозлик корхоналарини реконструкция қилиш, кенгайтириш, шунингдек янги қўшимча қувватларни ишга тушириш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажарши планлаштирилди. Самарқандда кондиционерлар заводи қурила бошлайди ва Жиззахда аккумулятор заводи қурилиши давом эттирилади.

1979 йилда **бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришнинг** умумий ҳажми 6,4 процент, шу жумладан цемент 22, деворбоп материаллар 8,6, тунука 8,1, мармар ва гранитдан ясаладиган пардозлаш буюмлари 6,6 процент кўпаяди.

Цемент ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Шу билан бирга ишлаб турган корхоналарнинг қувватидан тўла фойдаланиш планлаштирилди. Замонавий бинокорлик материалларини —енгил материаллар, пенополистирол ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноати асосан ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига янада ривожлантирилади. «Узглавстройдревпром» маҳсулотининг ҳажми 3,4 процент, Мебель саноати министрлиги корхоналарининг маҳсулоти 7,6 процент ортади. Республикада мебель ишлаб чиқариш умуман 18,3 процент кўпайтирилиб, 121 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетади.

Планда **аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришнинг энг муҳим** шартларидан бири бўлган халқ истеъмоли молларини кўпроқ ишлаб чиқаришга катта эътибор берилади. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми бир йил ичида 317 миллион сўм, ёки 8,7 процент ортади ва 3 миллиард 950 миллион сўмга етказилади. **Енгил саноат** маҳсулоти ишлаб чиқаришни 8 процент, умуман беш йилликнинг тўрт йили мобайнида эса беш йиллик планда белгиланган 25,1 процент ўрнига 32,4 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Газламанинг ҳамма турларини ишлаб чиқариш 15 процент, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 6,1 процент, чарм пойафзал 4,2, чинни идишлар 13,7 процент кўпайтирилади.

1979 йилда Хивадаги гилам комбинати ва Тошкентдаги спорт моллари комбинати қурилиши тамомланади, Андижонда ип газлама комбинатини ва Жиззахда ип йигириш фабрикасини қуришга ва Наманганда аврли газламалар комбинатини реконструкция қилишга киришилади.

Пахта тозалаш саноатини беш йиллик топшириқларида кўзда тутилганидан кўпроқ ривожлантириш лойиҳалаштирилди. Пахта толаси ишлаб чиқариш 1978 йилдагига нисбатан 11,4 минг тонна кўпайди ва 1 миллион 776 минг тоннани ташкил этади. Каноп толаси ишлаб чиқариш эса 33 минг тонна мўлжалланди. Учта янги пахта тозалаш заводи ва 12 та пахта тайёрлаш пункти ишга туширилади.

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини бир йил ичида 7,7 процент, шу жумладан Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида 9,5, давлат балиқ хўжалиги корхоналарида 11,4, Гўшт-сут саноати министрлиги корхоналарида 7,1 процент кўпайтириш мўлжалланади..

Ўсимлик мойи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, мева, сабзавот консервалари, кондитер маҳсулотлари, балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш орта боради. Мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, шунингдек бир қанча корхоналарда янги қувватларни ишга тушириш йўли билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш таъмин этилади.

Ун-ёрма саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми бир йил ичида 6,7 процент, **омихта озуқа** эса 13 процент кўпайтирилади.

Маҳаллий саноатнинг ялпи маҳсулоти 10,7 процент ортиб, 346,7 миллион сўмни ташкил этади. Шу тармоқдаги корхоналарда халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади ва 12,4 процент кўпайтирилади. Мебель ишлаб чиқариш 2,5 баравар, маданий-маиший моллар ва рўзғор анжомлари 1,3 баравар, кийим-кечак 16,5 процент ортади ва ҳоказо. Китоб ва Жиззахда бадиий-керамика буюмлари заводи, Қамашида пахтани титадиган фабрикани ишга тушириш мўлжалланди, Бахмал ва Фориштдаги гилам тўқиш фабрикалари реконструкция қилинади.

Республиканинг минерал хом ашё базасини ривожлантириш мақсадида **геология-қидирув** ишларини кучайтириш мўлжалланди. 1979 йилда шу мақсад учун давлат бюджетидан 123 миллион сўм ажратиб берилади. Рангли, нодир ва қимматли металлар, газ, нефть, ер ости сувлари ва бинокорлик материалларини қидириб топиш ва излаш миқёслари кенгайтирилади.

КПССнинг XXV съезди ва партия Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларига тамомила мувофиқ равишда план лойиҳасида **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг** ҳамма тармоқларини интенсивлаштириш ва моддий-техника асосида бу ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилди. 1979 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми 6 миллиард 273 миллион сўмлик қилиб белгиланди. Бу маҳсулот 1978 йилдагига нисбатан 4,6 процент, тўққизинчи беш йилликнинг ўртача йиллик даражасига нисбатан эса 26,7 процент кўпаяди.

5 миллион 650 минг тонна, ёки 1978 йил планида мўлжалланганидан 150 минг тонна кўпроқ пахта, шу жумладан 320 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш ва тайёрлаш кўзда тутилади. Пахта — бедани алмашлаб экишни ўзлаштириш, пахтанинг мўл ҳосилли янги навларини экиш соҳасидаги ишлар давом эттирилади.

Дон етиштириш беш йиллик топшириқлари даражасида планлаштирилиб, 2 миллион 63 минг тоннага етказилади. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бир йил ичида 10,3 процент, гўшт — 13, сут—10,3, тухум —8,3 процент кўпайтирилади.

Ерларни кенг кўламда мелиорациялаш, механизациялаш ва химиялаштириш тадбирлари амалга оширилади. Жамоат чорва моллари ва паррандалар сони ортиб, поданинг структураси яхшиланади ва чорва молларнинг маҳсулдорлиги кўпайтирилади. Хўжаликлараро кооперациялаш ва агро-саноат интеграцияси асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш янада ривожлантирилади.

Беш йиллик планда мўлжалланган 87 минг гектар ўрнига 96 минг гектар янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилади, ҳайдаш учун яроқли эски ерларни мелиорациялашни яхшилаш ишлари давом эттирилади.

1979 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш ҳажми қуйидагича бўлади: жами 720 минг тонна дон, шу жумладан 314 минг тонна шоли, 315 минг тонна каноп пояси, 27 минг тонна тамаки, 1 миллион 398 минг тонна сабзавот ва картошка, 515 минг тонна полиз маҳсулотлари, 525 минг тонна мева ва узум, 25,2 минг тонна пилла, 235 минг тонна (тирик вазнда) чорва мол ва парранда, 645 минг тонна сут, 25,5 минг тонна жун, 800 миллион дона тухум, 2 миллион 250 минг дона қорақўл тери тайёрланади.

Қорақалпоғистон АССРда 370 минг тонна, Андижон областида 613 минг, Бухоро областида 535 минг, Жиззах областида 312 минг, Қашқадарё областида 500 минг, Наманган областида 449 минг, Самарқанд областида 544 минг, Сурхондарё областида 480 минг, Сирдарё областида 377 минг, Тошкент областида 420 минг, Фарғона областида 590 минг ва Хоразм областида 410 минг тонна пахта харид қилиш мўлжалланади.

Колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникасини беш йиллик план топшириқлари даражасида, бир қанча энг муҳим машиналарни ана шу топшириқлардан кўпроқ миқдорда етказиб бериш мўлжалланади, 4,5 миллион тонна минерал ўғит ажратиб бериш планлаштирилди. Бу — 1978 йилдагига нисбатан 100 минг тонна ортиқдир.

Пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида прогрессив технологияни жорий қилиш давом эттирилади. Камида 3,7 миллион тонна пахта машиналарда териб олинади. Бу —планда кўзда тутилган бутун ҳосилнинг 65 процентини ташкил этади.

Жамоат транспорти янада ривожлантирилади. Бу транспортнинг ҳамма турларида ташиладиган юк ва йўловчилар миқдори 5 процент ортади. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари тармоғи 700 километр кўпайиб, жами 30 минг километрга етади. Бу эса барча йўлларнинг 95 процентини ташкил этади. Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади. Темир йўлларни, шунингдек замонавий ТУ-154 лайнерларини қабул қила оладиган аэропортларни янада реконструкция қилиш, янги аэровокзалларни қуриш тадбирлари кўзда тутилди.

Алоқа маҳсулотининг ҳажми бир йил ичида 6,4 процент ортади. Шаҳарлардаги телефон станцияларининг қуввати 560 минг номерга, қишлоқ жойларда эса 137,5 минг номерга етказилади. Тошкент шаҳрида радио-телевизион эшиттириш станцияси қурилиши давом эттирилади.

1979 йилда **капитал қурилишнинг** катта программасини амалга оширишимиз керак. Республика территориясида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига ажратиб бериладиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 4 миллиард 970 миллион сўм миқдорида белгиланди. Бу— 1978 йил планига нисбатан 102,5 процентни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигини, қурилиш индустриясини, транспортни, нефть қазиб чиқаришни, фан, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилишини ривожлантириш учун беш йиллик планида мўлжалланганидан кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Енгил саноат, пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати, автотранспорт ва йўл хўжалигига ажратиб бериладиган капитал маблағлар миқдори 1978 йилдагига нисбатан анча кўпайтирилади.

Йилдан йилга ўтказиладиган объектларга маблағ сарфлашни янада ошириш кўзда тутилган. Бу ишларга ишлаб чиқариш аҳамиятига молик бўлган қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг 79 проценти сарфланади, шу билан бирга ишга тушириладиган комплекслар ва объектларга 60 проценти сарфланади. Планда капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишларини кварталлар бўйича баравар тақсимлаш, шунингдек уй-жойларни ҳар кварталда бир маромда фойдаланишга топшириб туриш мўлжалланади.

Янгидан қурила бошланадиган иншоотлар сони анча камайтирилади, битказилмаган қурилишлар ҳажми эса 1977 йилнинг охирида бўлган даражага нисбатан 229 миллион сўмлик қисқаради ва 60 процентни ташкил этади.

Капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ва ишлаб турган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни тез ўстириш мақсадида ишлаб чиқариш қурилишига ажратиб берилган барча капитал маблағларнинг 32 проценти иттифоқ-республика ва республика хўжалигидаги мавжуд корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфланади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини муттасил ривожлантириш Ўзбекистон ССРнинг **ташқи иқтисодий алоқаларини** янада кенгайтиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб хизмат қилади. Республикада ишлаб чиқарилган моллар жаҳоннинг 70 дан кўпроқ мамлакатига юборилмоқда, экспорт қилинадиган моллар ҳажми эса ҳар йили 10—12 процент ортиб боряпти. 1979 йилда ҳам ана шу молларни экспорт қилиш кўпайтирилади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш экономикани ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларнинг биридир. План лойиҳасида **фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш** борасидаги иш кўламларини кенгайтириш кўзда тутилади. Илмий-техникавий потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги оширилади, фан ва техниканинг энг муҳим йўналишларида тадқиқот ишлари кенгайтирилади.

1979 йилда тугалланадиган бир қанча илмий ишларнинг натижалари рангли металлургия ва химия саноатида, машинасозлик ва электроника, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа тармоқларда татбиқ этилади. Пахтанинг серҳосил янги навларини яратиш, суғориш учун қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишлар давом эттирилади ва ҳоказо.

Саноат корхоналарида янги техника ва технологияга доир 600 га яқин тадбир амалга оширилади, 106 участка ва цех комплекс механизациялаштирилади, автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган 110 поток линия жорий этилади. Ишлаб чиқаришнинг техникавий ва ташкилий даражасини ошириш 7 минггга яқин ишчини қўл меҳнатидан механизациялаштирилган меҳнатга кўчириш имконини беради. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги хўжаликлардагина ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара камида 160 миллион сўмни ташкил этади.

1979 йил планида **аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш тадбирларига** ажратилган маблағлар ҳисобидан 328 минг квадрат метрлик уй-жой, шу жумладан уй-жой қурилиш кооперативлари маблағлари ҳисобига 328 минг квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Аҳолининг коммунал хизматининг асосий турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш даражаси анча оширилади.

Умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар сони 1,8 процент кўпайиб, 3,7 миллион кишига етади. Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони 8,4 процент ортади ва 809 минг кишини ташкил этади.

Ҳунар-техника билим юртларида ва ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрланадиган малакали ишчи кадрлар сони 2,9 минг нафар ортади ва 239 минг кишига етади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида халқ хўжалиги учун тайёрланадиган мутахассислар сони анча кўпайтирилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида —касалхоналардаги ўринлар сони 7,6 мингга кўпайиб, 1978 йилдагига нисбатан 4,5 процент ортади. Шу билан бирга ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган ўринлар сони беш йиллик топшириғидаги 102,8 ўринга 111 тага кўпаяди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари планда муҳим ўрин олади. Шу мақсадлар учун 70,7 миллион сўм ажратиб бериш кўзда тутилган. Оқинди сувни тозаловчи иншоотларни қуриш, саноат корхоналарида такрорий сув таъминоти системаларини вужудга келтириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Ҳавони зарарли моддалардан тозалаш, эрозияга қарши гидротехника иншоотлари ва селга қарши иншоотлар қуриш соҳасидаги ишларни кучайтириш мўлжалланади.

Ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш, қўриқхона ва заказникларни ривожлантириш, ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни қўриқлаш, балиқ ресурсларини кўпайтириш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар планлаштирилди.

План лойиҳасида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни янада такомиллаштириш, областлар ва районлар тараққиётининг иқтисодий ва социал даражасини бараварлаштириб бориш, улардаги хўжаликларни ихтисослаштириш ва комплекслаштириш даражасини ошириш тадбирлари белгиланди. Янгидан ташкил этилган маъмурий районларни юксалтиришга, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ районлари марказларини жадал ривожлантиришга, уларнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Планда моддий-техника ресурсларини ажратиб бериш мўлжалланди ва 1979 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган миқёсда пудрат ишлари ҳажми аниқлаб берилди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1979 йилги планининг амалга оширилиши республиканинг иқтисодий потенциалини оширишда, аҳолининг фаровонлигини юксалтиришда, иттифоқ меҳнат тақсимотида унинг ролини янада кучайтиришда муҳим босқич бўлади. План кўрсаткичлари тиғиз бўлса ҳам, уларни тўла-тўкис амалга ошириш мумкин. КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л .И. Брежнев берган кўрсатмаларни амалга ошириш ана шу топшириқларни бажариш соҳасидаги ишга асос қилиб олиниши лозим.

Республикамизнинг меҳнаткашлари Марказий Комитетининг, қўйилдаги партия ташкилотларининг раҳбарлигида 1979 йилда КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг қарорларини амалга оширишда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топширувига биноан Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, тасдиқлашингиз учун тақдим этишга рухсат бергайсиз.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджети КПСС XXV съездининг, Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг, ССР Иттифоқи Олий Совети сессиясининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида тузилди.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили плани ва топшириқларини ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар.

Республика саноат корхоналарининг коллективлари шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида саноат маҳсулотларини реализация қилиш плани 102,5 процент бажаришини таъминладилар. Пландан ташқари 290 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш кўпайди, уларнинг сифати ошди. Капитал қурилиш кўламлари анча ошди. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида давлат капитал маблағлари ҳисобига 2053 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорларидан руҳланган қишлоқ меҳнаткашлари шу йилнинг қийин келган об-ҳаво шароитларида давлатга пахта топшириш планини ошириб бажаришга эришдилар.

Халқ хўжалиги тармоқларида план ва топшириқлар муваффақиятли бажарилиши натижасида ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети янада сифатли бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 5460,3 миллион сўм миқдорида, ёки 100,2 процент ва ҳаражатлар бўйича 5448,8 миллион сўм миқдорида ёки 100 процент бажарилади. План режалаштирилган ҳамма асосий даромад манбалари бўйича бажарилмоқда.

Беш йилликнинг уч йили мобайнидан республика бюджетига пландан ташқари 250 миллион сўмдан кўпроқ пул тушишини маълум қилиш кишини қувонтиради.

Шу йил Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри бюджетнинг даромад қисмини тўла ва ошириб бажарадилар. Иқтисодий ва социал тараққиёт плани ҳамда бюджет бўйича 1978 йилга мўлжалланган ҳамма топшириқлар ўз вақтида тўхтовсиз пул билан таъминлаб турилиши даромадлар планининг ошириб бажарилишини таъминлади.

Молия органлари халқ хўжалиги тармоқларининг экономикаси ва молиясини чуқур ўрганиш асосида 1978 йилда бюджетга қўшимча 75 миллион сўм миқдорида даромад тушишини таъминлайдиган социалистик мажбуриятлар олган эдилар. Бу мажбуриятлар йил охиригача ошириб бажарилади.

Молия министрлиги билан маҳаллий молия органлари министрликлар, идоралар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолиятларини текшириш ва ревизия қилишларининг иқтисодий анализи натижасида шу йил бюджет даромадларини 90,7 миллион сўм қўшайтириш резервларини топдилар, беш йилликнинг уч йили мобайнида эса жами 350 миллион сўмликдан зиёд ички хўжалик резервлари аниқланди.

Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши бюджетнинг қўшимча ресурсларини вужудга келтириш имконини берди. Бу ресурслар республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш, шаҳарлар ва район марказларини ободонлаштириш тадбирларини пул билан таъминлашга, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ривож топтиришга сарфланди. Министрликлар ва идораларнинг, ташкилотлар ва корхоналарнинг ўз маблағлари камоматини тўлдиришга ҳам анчагина пул сарфланди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили план ва топшириқлари умуман республика бўйича муваффақиятли бажарилиши ҳолда 1978 йилда айрим министрликлар ва идоралар, корхона ва ташкилотлар мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланмадилар, хом-ашё, материал, ёқилғи ортиқча сарфланишига, унумсиз ҳаражатлар ва нобудгарчиликларга йўл қўйдилар, фойда олиш планини ва бюджет юзасидан олган мажбуриятларини бажармадилар. Пахта тозалаш саноати министрлиги системасида бундай корхоналар ва ташкилотлар айниқса кўп.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг айрим саноат корхоналари, масалан Тошкент тўқимачилик комбинати, Наманган аврли газламалар комбинати, Самарқанд рўзғор холодильниклари заводи ип газлама ва шойи газлама тўқиш, холодильниклар тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқариш плани ва мол етказиб бериш планининг бажарилишини таъминлай олмадилар. Бунинг натижасида оборот солиғидан келадиган анчагина пул бюджетга тушмади. Бир қанча корхоналар ва ташкилотлар меҳнат унумдорлиги планини бажармади ва маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Шу камчиликлар кўпгина корхоналар ва ташкилотлар молиявий фаолиятининг натижаларига ва уларнинг бюджетга нисбатан зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. 1978 йилнинг ўн ойи мобайнида бутун республика бўйича министрликлар ва идоралар 25 миллион сўмча фойдани кам берди.

Савдо ташкилотлари асосий товар оборотини планини бажарилишини уддалади, аммо чакана савдода анчагина саноат моллари запаси бўлгани ҳолда товар оборотини юзасидан қўшимча топшириқ бажарилмай қолаверди.

1978 йилнинг ўтган ойлари мобайнида қурилиш ишлари катта программаси бажарилди. Кўпгина саноат корхоналари, мактаблар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди.

Шу билан бирга капитал қурилишда ҳамон камчиликлар бор, бу камчиликлар ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини камайтириб юбормоқда. Асосий фондларни ишга тушириш юзасидан топшириқларнинг бажарилиш даражаси бажарилган капитал маблағлар ҳажми даражасидан орқада қолмоқда.

Ички ресурсларни сафарбар этиш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилмаяпти, капитал қурилишларни пул билан таъминлашга корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари тўла-тўкис тушмаяпти. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасининг корхоналари ва ташкилотлари шу маблағларни айниқса кам берди.

Молия органлари шу йил совхозларга катта ёрдам берди. Республика бюджети маблағларидан уларга ўз маблағлари камоматини тўлдиришга 26 миллион сўм ҳамда капитал қурилишдаги муддати ўтказиб юборилган кредит қарзларини тўлашга 10 миллион сўмча пул ажратилди. Кўрилган чоралар колхоз ва совхозларнинг молиявий аҳволини яхшилашга ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга текшириш материалларининг кўрсатишича, республика колхоз ва совхозларининг хўжалик-молиявий фаолиятида фойда олиш плани бажарилишига ҳамда уларнинг рентабеллик даражасига таъсир кўрсатувчи камчиликлар ҳам бор.

Бир қанча совхоз ва колхозларда меҳнат унумдорлиги ҳали ҳам паст, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга сарфланаётган ҳаражатлар кўп, кўпгина хўжаликлар унумсиз ҳаражатларга ва нобудгарчиликларга, шунингдек уй-жой коммунал хўжалигини ишлатишдан пландан ташқари зарар кўрилишига йўл қўймоқда.

Республикада бошқаришни такомиллаштириш ва бошқариш ишларига кетадиган ҳаражатларни тежаб-тергаш режимига риоя этиш борасида анчагина ишлар қилинмоқда. Бошқариш ҳаражатларини қисқартиришдан 1978 йил учун кўзда тутилган тежам пули тўла-тўкис бюджет даромадларига тушди. Шу билан бирга бир қанча корхоналар ва ташкилотларда бошқариш харажатларини қисқартириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилишига камчиликларга ҳамда штат-смета интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

1978 йилда Молия министрлигининг контроль-ревизия аппарати билан идораларнинг ревизорлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда кўпгина ревизия ва текширишлар ўтказдилар. Шу ревизия ва текшириш материалларига кўра, хўжасизлик ва суиистеъмол қилишларда айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, давлатга етказилган моддий зарарни ундириб олиш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленуми Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани билан республиканинг Давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади.

Планда ва бюджетда республика халқ хўжалигини тағин ҳам комплекс ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришни ҳажмини анча кўпайтириш, транспорт, алоқани ривожлантириш, товар оборотини ошириш, шунингдек меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилган. Миллий даромад 4,9 процент кўпаяди.

(Давоми тўртинчи бетда).

---

* Доклад қисқартириб эълон қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ТАЛАБЛАРИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ АСОСИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми талаблари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Р. Қурбоновнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида партия ғамхўрлигининг янги ифодаси бўлиб, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши барча тармоқларини узлуксиз ривожлантиришга, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан тўла таъминлашга қаратилгандир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети июль Пленумидаги докладида мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг бутун бориши, халқ турмушининг моддий даражаси муттасил ўсиб бораётганлиги, чорвачиликни тезроқ юксалтириш вазифасини биринчи ўринга чиқариб қўяётганини уқтириб ўтилди.

Партия қишлоқ хўжалигининг мураккаб ва ҳаётий муҳим тармоғи — чорвачиликни ривожлантиришга доимо эътибор бермоқда. Чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштиришни кўпайтириш, уни янги илғор технологияга кўчириш юзасидан туб тадбирларни чуқур илмий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳозир партия аграр сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

КПСС XXV съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ҳам чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишларга эришдилар. Чорвачилик муттасил олға бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилига нисбатан колхозларда, давлат хўжаликларида ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда 1,3 баравар, сут етиштириш қарийб 1,5 баравар, тухум етиштириш 1,8 баравар кўпайди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан беш йилликнинг уч йили учун белгиланган планлар ошириб бажарилди. Маҳсулот етиштириш ва тайёрлашни ўстиришга чорва туёғини ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда, маҳсулот ва озуқа сифати яхшиланмоқда. Республикада чорвачиликни интенсивлаш юзасидан катта иш ўтказилмоқда, уни саноат негизига кўчиришга, маҳсулот етиштиришни ташкил этишни такомиллаштиришга ва бу тармоқнинг экономикасини мустаҳкамлашга доир катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашга, чорвачилик кадрлари, айниқса мутахассислар тайёрлашга ва ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларини кадрлар билан мустаҳкамлашга доимо эътибор бериб турибдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика колхоз ва совхозларида чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги катта ишни қайд этиш билан бирга, қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини ривожлантиришнинг умумий даражаси жамиятнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ эмас ва чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан зўр куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади, деб ҳисоблайди.

Бир қанча область ва районлардаги партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг чорвачиликни ривожлантириш ва унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан ишлаб чиқилган ҳамда район партия комитетларининг пленумларида маъқулланган тадбирларни сўзсиз бажариш, чорвачилик маҳсулотлари, айниқса гўшт етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун мавжуд резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш соҳасидаги ишларига дуруст раҳбарлик қилмаяптилар, хўжасизлик фактларига, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги интизомсизликка муросасозлик билан қарамоқдалар. Бир қанча колхоз ва совхозларда чорва подасини урчитиб кўпайтириш йўлга қўйилмаган, кўплаб урғочи моллар вақтида қочирилмай, қисир қолмоқда, сигирлар гўштга топшириб юборилмоқда, вазни кам моллар тузук семиртирилмай сўйилмоқда, гунажин етиштириш яхши йўлга қўйилмаган, чорва туёғи ва паррандалар сони ва маҳсулдорлиги секин кўпаймоқда. Кўпгина хўжаликларда алмашлаб экиш дуруст ўзлаштирилмаётир, озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги паст, маҳсулот ва ем-хашак сифатини оширишга кам эътибор берилмоқда, фермаларда, шунингдек ем-хашак тайёрлаш ва ундан фойдаланишда илғор технологияни жорий этиш ишида жиддий камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узплодоовошчвинпром» бирлашмаси, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» комитети ва уларнинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари чорвачилик биноларини реконструкция қилиш ва кенгайтиришни жадаллаштириш, фермалардаги озуқа ишлаб чиқаришдаги сермеҳнат ишларни комплекс механизациялаш учун етарли чоралар кўрмаяптилар, маҳсулот етиштиришга меҳнат, маблағ ва ем-хашак сарфи секинлик билан камайтирилмоқда, маҳсулот таннархи ҳали ҳам юқори. Баъзи районларда чорвачиликдаги хўжаликлараро кооперация негизида чуқур концентрациялаш ва ихтисослаштиришни ўтказишда сусткашлик қилинмоқда, бу эса тармоқнинг самарадорлигини оширишга халақит бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликлар кўпгина район партия комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари чорвачиликка раҳбарлик қилишга эътиборни сусайтирганликлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг резервлари ва имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш учун зарур даражада қатъият кўрсатмаётганликларининг оқибатидир. Кадрлар билан ишлашда, айниқса ўрта бўғин раҳбарлари ва мутахассисларини танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш ишида ҳали ҳам камчиликлар кўп.

Бир қанча район ва областлардаги партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари талабларига мувофиқ, ферма меҳнатчилари ўртасидаги ташкилий-оммавий ва сиёсий ишни кучайтириш учун зарур чораларни кўрмаяптилар, пропаганда ва агитация воситаларининг, социалистик мусобақанинг юксак таъсирчан бўлиши тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги докладига, уларда чорвачиликни янада тезроқ ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга қўйилганлигига асосланиб, ана шу масъулиятли вазифани ҳал этишга область ва район партия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг, қишлоқ меҳнатчиларининг бутун диққат-эътиборини бундан ҳам зўр қатъият билан қаратиш зарур деб ҳисоблайди. Чорва туёғи ва паррандалар сони имкони борича тезроқ кўпайтирилсин, уларнинг маҳсулдорлиги оширилсин, чорвачилик саноат негизига изчиллик билан кўчирилсин ва замонавий юксак самарали тармоққа айлантирилсин. Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш ва концентрациялаш янада активроқ амалга оширилсин.

2. Колхозларда, давлат хўжаликларида ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш 1979 йилда 295 минг тоннага, сут етиштириш 903 минг тоннага, тухум етиштириш 995 миллион донага, жун етиштириш 17058 тоннага, товар балиқ овлаш 278,4 минг центнерга етказилсин.

3. Область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг, «Узплодоовошчвинпром» бирлашмасининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг, «Госкомсельхозтехника»нинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш, чорвачилик маҳсулотини ва озуқа ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эришиш, чорвачиликни янада ривожлантириш ҳамда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан 1979 йил ва ўнинчи беш йиллик учун белгиланган топшириқлар барча хўжаликлар, районлар, областлар ва Қорақалпоғистон АССР томонидан тўла-тўкис ва ошириб сўзсиз бажарилишига эришиш масъулияти юклатилсин.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришдан иборат биринчи галдаги вазифани ҳал этишга алоҳида эътибор берилсин, мол гўшти, қўй гўшти, чўчқа гўшти, парранда ва қуён гўшти етиштиришни кўпайтириш имкониятлари ва резервларидан тўла-тўкис фойдаланилсин. Гўшт учун топшириладиган чорва вазнини оширишга ва уларни боқиб семиртириш муддатларини қисқартиришга эришилсин. Ёш қорамолларнинг ҳаммасини камида 400 килограмм вазнга етказиб семиртирилгандан кейингина гўштга топширилсин. Гўшт қорамолчилиги ихтисослаштирилган тармоғини янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин.

Чўчқачиликни интенсив ривожлантириш таъминлансин. Чўчқачилик комплекслари ва совхозларнинг қувватларини кенгайтириш билан бирга ихтисослаштирилмаган хўжаликларнинг фермаларида ва хўжаликлараро корхоналарда чўчқа гўшти етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланилсин.

Қўйчилик ва эчкичилик кенгроқ ривожлантирилсин, катта-катта механизациялаштирилган бўрдоқичилик майдончалари ташкил этилсин, қўй гўшти, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилсин.

Бройлер ва бошқа турдаги гўштбоп парранда етиштираётган мавжуд фабрикалар реконструкция қилинсин ва янгилари активлик билан барпо этилсин.

Балиқчилик хўжаликларига кўпроқ ёрдам берилсин, республика колхозлари ва совхозларида балиқчилик ҳар томонлама кенгайтирилсин.

Сут чорвачилигининг маҳсулдорлигини анча оширишга, маҳсулот етиштириш учун ем-хашак, меҳнат ва маблағ сарфини қисқартиришга эришилсин. 1979 йилда колхозларда ва давлат хўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори республика бўйича ўрта ҳисобда 2400 килограммга етказилсин, ривожланган сут чорвачилиги районларида 3500—4000 килограммлик маррага чиқиб олинсин.

«Ўзбекбирлашув» системасида, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, шунингдек аҳолининг томорқа хўжалигида гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, ёш моллар ва ем-хашак сотиб олишда уларга ёрдам берилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти наслчилик ишини яхшилашда ва чорва молларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини оширишда, подани урчитиб кўпайтиришни яхшилашда, урғочи молларнинг қочирилмай, қисир қолишини тугатишда, шунингдек колхоз ва совхозларда зотдор ёш моллар етиштирилишини таъминлашда хўжаликларга ёрдам берсинлар.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг, чорвачилик комплексларининг ва хўжаликлараро чорвачилик корхоналарининг раҳбарлари олдига ем-хашак етиштиришни тубдан яхшилаш, ҳар бир хўжаликда мустаҳкам, ишончли ем-хашак базасини вужудга келтиришни энг муҳим, зарур вазифа қилиб қўйди. Ем-хашак етиштириш алоҳида тармоққа айлантирилсин, ем-хашак етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ҳамма жойда ташкил этилсин.

Озуқабоп экинлар уруғчилиги яхшилансин, уруғ, айниқса, беда уруғи етиштириш кўпайтирилсин. Ем-хашак етиштиришда илғор технология жадал жорий этилиши, ем-хашак экинларининг ҳосилдорлиги ва яйловларнинг маҳсулдорлигини муттасил ошириш таъминлансин. Озуқабоп оқсил проблемаларини аввало, беда, маккажўхори дони, арпа, рапс ва бошқа сероқсил экинлар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ҳисобига ҳал этишга алоҳида эътибор берилсин. Омихта ем ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қуввати тезроқ оширилсин ва ем ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Сервитамин ўт талқони, донадор ва брикет ем ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эришилсин. Озуқабоп ачитқи, гўшт-суяк талқони ишлаб чиқариш, сут ўрнини босадиган маҳсулотлар ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш ривожлантирилсин. Озиқ-овқат чиқитларидан тўла-тўкис фойдаланилсин.

Чорвачиликни юқори сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун кадрларнинг масъулияти оширилсин. 1979 йилда 6,3 миллион тонна дағал хашак, шу жумладан 2 миллион тонна пичан ва 2,2 миллион тонна сенаж тайёрлаш, 4 миллион тонна силос бостириш, 500 минг тонна озуқабоп илдиз мева маҳсулотлари етиштириш, 500 минг тонна донадор ва брикет ем, 210 минг тонна сервитамин ўт талқони тайёрлаш топшириқларининг бажарилиши таъминлансин.

5. Область ва район партия комитетларига хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр саноат интеграцияси негизида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш юзасидан партия бошлаган йўлни бундан буён ҳам қатъият билан ўтказаберишни, самарадорлик ва сифат учун, иқтисод ва тежамкорлик учун, маҳсулот таннархини камайтириш учун, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш учун кунт билан олиб борилаётган курашни кучайтириш топширилсин.

Чорвачиликни янада юксалтириш учун курашда колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулияти янада баланд кўтарилсин, партия ва давлат интизоми мустаҳкамлансин.

Чорвачилик кадрларини, айниқса, ўрта бўғин кадрларини танлаш ва уларни энг муҳим иш участкаларига жойлаштириш яхшилансин. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кенг миқёсда оммавий-сиёсий иш олиб боришлари, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришлари, чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Партия комитетлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумидаги докладида Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлар партия ташкилотларининг ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, шаҳарлар ва саноат марказларининг қишлоққа оталиқ ёрдамини ташкил этиш ишини кучайтирсинлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, мутахассислар, олимлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, барча қишлоқ меҳнатчилари ўзларининг фидокорона меҳнати билан чорвачиликни янада ривожлантиришни ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашни яхши ташкил этадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

(Боши учинчи бетда).

Иқтисодий ва социал ривожланиш плани билан Давлат бюджети лойиҳаси кўрсаткичлари ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлиги юзасидан белгиланган топшириқларни оширишни, техника тараққиётини жадаллаштиришни, хўжалик ички резервларидан янада тўлароқ фойдаланишни, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари ва молиявий ресурсларни тежашга риоя этишни кўзда тутади.

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги плани лойиҳасига мувофиқ даромадлар ва харажатлар бўйича 5061,3 миллион сўм миқдорида белгиланган. Бу миқдор СССР Олий Совети 1978 йилга тасдиқлаган бюджет ҳажмига нисбатан 9,3 процент кўпайишини кўрсатади.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ

Бюджет даромадлари ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини арзонлаштириш юзасидан план топшириқларига асосланиб белгиланган.

Социалистик хўжаликдан тушадиган тўловлар — оборот солиғи ва давлат корхоналари билан ташкилотлари оладиган фойдадан тушадиган тўловлар даромадларнинг асосий манбалари ҳисобланади.

1979 йилги план лойиҳасида мана шу манбалардан бюджетга тушадиган пул 3904,9 миллион сўм миқдорида, ёки бюджет умумий даромад пулининг 77,2 проценти миқдорида бўлиши кўзда тутилади.

Оборот солиғи иқтисодий ва социал ривожланиш плани лойиҳасида кўзда тутилган товар фондлари ҳажмига асосланиб, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулот хилларида бўладиган ўзгаришларни назарда тутиб белгиланган. Оборот солиғининг миқдори 2640,6 миллион сўм бўлиши ҳисобланган.

Корхоналар ва хўжалик ташкилотлари келтирадиган фойда белгиланган ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш, юк ташиш, товар обороти ҳажмларига ҳамда ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини — камайтириш топшириқларига асосан республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича 1979 йил учун 1984,2 миллион сўм миқдорида белгиланган. 1978 йилда кутилаётган 1859,6 миллион сўмга нисбатан 124,6 миллион сўм ёки 6,7 процент кўп бўлади. 1979 йилда фойдадан бюджетга тўловлар 1978 йилдаги 1238 миллион сўмга нисбатан 1264,3 миллион сўмга боради ёки 26,3 миллион сўм ошади.

Фойданинг анчагина қисми корхона ва ташкилотлар ихтиёрида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш мақсадлари учун қолдирилади.

Ҳамма манбалар ҳисобидан иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратиладиган пул 378,3 миллион сўмни ташкил қилади.

Аҳолидан олинадиган солиқлар планда кўзда тутилган иш ҳақи фонди билан мавжуд ставкаларга асосан 370,8 миллион сўм миқдорида ҳисоб қилинган. 1979 йилда ноишлаб чиқариш доирасида ўртача ҳақ олувчи ходимларнинг ставка ва окладларини ошириш ниҳоясига етказилади.

Давлат страхованиесини, айниқса аҳоли страхованиесининг кўнгилли турларини янада ривожлантириш кўзда тутилади.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Давлат бюджети жами харажат пулидан 1979 йилда халқ хўжалигига 2131,7 миллион сўм ёки бюджет ҳажмининг 42,1 проценти сарфланади, шу жумладан саноат ва қурилишни пул билан таъминлашга 459,5 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 888,6 миллион сўм сарфланади.

Корхона ва ташкилотларнинг ўз ресурсларини (фойда, амортизация) ҳамда банкларнинг кредитларини назарда тутиб республика халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга жами 4579,5 миллион сўм сарфланади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Республикада капитал қурилиш кенг қулоч ёйди, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Иқтисодий ва социал ривожлантириш планига мувофиқ 1979 йилда давлат капитал қурилишларини пул билан таъминлашга 2309,3 миллион сўм, шу жумладан бюджет ҳисобидан 1290,9 миллион сўм, ёки пул билан таъминлаш ҳажмининг 56 процентга яқини сарфланади.

Хўжалик органларининг ўз ресурслари (фойда, амортизация) ҳамда банкларнинг кредитлари 1018,4 миллион сўм бўлиши лойиҳаланган.

Қурилишда ички ресурсларни сафарбар этиш нормадан ташқари машина-ускуна запаслари ва бошқа товар-моддий бойликларни қисқартириш ҳисобига 72,9 миллион сўм миқдорида белгиланган.

Шу йил капитал маблағларни пул билан таъминлашга ажратилган маблағларни ўзлаштириш яхшиланди. Шу билан бирга қурилиш ташкилотларининг ишида кўпгина камчилик ва нуқсонлар бор. Маблағлар кўпгина объектларга сочилиб кетилишига йўл қўйилмоқда, қурилишда ички ресурсларни сафарбар этиш планларини айрим министрликлар ва идоралар бажармаяпти, қурилишдаги ҳисоб-китоблар тартибга келтирилмаган. Мана шу ва бошқа камчиликлар асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ойида бўлиб ўтган Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш асосий йўналишларини белгилаб берди ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш йўлларини кўрсатди. Асосий вазифа қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ҳамма тармоқларини ҳар томонлама жўшқин ривожлантириб, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлаб турилишига эришишдан иборатдир.

1979 йилда бюджет ҳисобидан республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини ривожлантиришга 888,6 миллион сўм сарфланади.

Ерларни мелиорация қилиш янада ривож топади. Колхоз ва совхозларда мелиорация ишларини ўтказиш ва ерларни яхшилашга бюджетдан 561,8 миллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 135,9 миллион сўм қилиб белгиланган фойдаси асосан уларнинг ўз эҳтиёжларига — иқтисодий рағбатлантириш фондларини вужудга келтириш ҳамда хўжалик план харажатларини пул билан таъминлашга сарфланади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига мувофиқ 1979 йилнинг 1 январидан бошлаб айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш кўзда тутилган, бунинг учун бюджетдан анчагина пул ажратиляпти. Бундан ташқари совхозларнинг мол-мулкларини табиий офат ва ноқулай об-ҳаво шароитларидан давлат страхование қилиш жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган пуллар республика колхоз ва совхозларининг иқтисодий ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда гражданларнинг СССР Конституциясида эълон этилган билим олиш, соғлиғини сақлаш, кексалигида ва касал бўлиб қолганида моддий таъминланиш ҳуқуқлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Республикамизда ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари ичида аҳолининг социал-маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасида катта тадбирлар ўтказилди. 1979 йилда шу мақсад учун 2759,9 миллион сўм ёки бюджет ҳажмининг 54,5 проценти миқдорида пул ажратиш кўзда тутилган.

Асосий йўналишлар бўйича шу харажатлар қуйидаги миқдорларда белгиланган:

	млн. сўм	ўсиш проценти
Халқ маорифи, маданият, фанга	1525,5	7,1
Соғлиқни сақлаш ва физкультурага	648,2	15,6
Социал таъминот ва социал страхованиега	586,2	2,9

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, болалар муассасалари тармоқларини ҳамда уларда ўқувчи ва тарбияланувчилар сони, олий мактаблар ва техникумлардаги студентлар ва ўқувчиларнинг кўпайиши, даволаш муассасаларида ўринлар кўпайиши ва бошқа сабабларга кўра социал маданий муассасаларга кетадиган харажатлар оширилмоқда.

Умумий таълим мактабларига сарфланадиган харажатлар 530,7 миллион сўмга боради. 1979 йилнинг охирига бориб шу мактаблардаги ўқувчилар сони 3676 минг кишига етади ёки планда 1978 йил учун белгиланганидан 76,5 минг киши кўп бўлади.

Бошланғич мактаб ўқувчиларини бепул дарслик китоблар билан таъминлашга 1,5 миллион сўм ажратилмоқда.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадларида касалхона ўринлари сонини ҳамда медицина ходимлари сонини кўпайтириш кўзда тутилади. 1979 йилда касалхона ўринларининг умумий сони 171,7 мингтага етади ёки шу йилги планга нисбатан 7,9 минг ўрин кўпаяди.

Маориф ва соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал ремонт қилиш ҳамда улар учун жиҳоз ва асбоб ускуналар ҳарид этишга ажратиладиган пул кўпайтирилади.

КПСС XXV съездининг қарорларига мувофиқ 1979 йилда маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ставка ва окладларини ошириш мўлжалланади. Шу мақсад учун бюджетда 95,3 миллион сўм ажратиш кўзда тутилади.

Пенсиялар ва нафақалар тўлашга катта маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига нафақалар тўлашнинг ўзига 310 миллион сўмдан ошиқ пул бериш мўлжалланилаяпти.

БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ республикада бошқариш аппаратини қисқартириш, уни такомиллаштириш ва арзонлаштириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Бундан буён ҳам шу ишлар қилинаверади. Келгуси йил бюджетида бошқариш органларини тутиш харажатлари 68 миллион сўм қилиб ёки бюджет умумий маблағларининг 1,3 проценти миқдорида белгиланган.

Бошқариш харажатларини ўрта ҳисобда 3,3 процент қисқартириш кўзда тутилган. Ҳамма хил хизмат командировкаларига ҳамда енгил автотранспортдан фойдаланишга сарфланадиган харажатлар анча қисқартирилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон АССРнинг давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳасига даромадлар ва харажатлар бўйича жами 2065,3 миллион сўм миқдорида — 1978 йилга нисбатан 8,2 процент ошадиган қилиб киритилган, шу жумладан:

	1979 йил (млн. сўм)	1978 йил учун тасдиқланган планга нисбатан процент ҳисобида
Қорақалпоғистон АССР	182,6	107,3
Андижон области	150,7	109,1
Бухоро области	171,0	102,1
Жиззах области	67,6	109,2
Қашқадарё области	125,2	108,4
Наманган области	125,5	108,0
Самарқанд области	198,3	108,5
Сурхондарё области	109,3	105,9
Сирдарё области	66,3	109,6
Тошкент области	216,8	106,9
Фарғона области	207,9	112,7
Хоразм области	88,6	104,6
Тошкент шаҳри	355,4	110,5

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлаш учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон АССРнинг давлат бюджетига 15,1 миллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топшириғига биноан, Молия министрлиги республиканинг 1979 йилги бюджети лойиҳаси юзасидан министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг мулоҳаза ва илтимосларини кўриб чиқди. Кўпгина илтимослар ижобий ҳал этилди, шу илтимосларнинг айримлари 1979 йил бюджетини ижро этиш жараёнида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1979 йилги бюджет лойиҳаси билан бир маҳалда Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам қўяди.

Республиканинг 1977 йилги бюджети даромадлар бўйича 5176144 минг сўм ёки 102,0 процент миқдорида, харажатлар бўйича 5.096.085 минг сўм ёки 100,4 процент миқдорида бажарилган, даромадлар харажатлардан — 80.059 минг сўм ортган.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети сессияси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи биздан 1979 йилги план ва бюджетни бажаришгина эмас, балки ошириб бажариши учун ҳам чоралар кўришни талаб қилади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Республика меҳнаткашлари, шу жумладан молия ходимлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қўйилган вазифаларни шараф билан адо этиш учун куч-қувватларини аямасликларига шубҳа йўқ.

(Қарсаклар).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р. 02973. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Д.—2549.